Куч — адолатда

2015 йил
25 декабрь,
жума
№ 50 (563)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Якунига етиб бораётган 2015 йил сарҳисоби ҳақида сўз борар экан, авваламбор, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинган ана шу йил давомида бугунги фаровон ҳаётга эришишда муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, фахрийларимизнинг руҳини, кўнглини кўтариш, нуроний отахон ва онахонлар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида истиқлол йилларида давлатимиз ва жамиятимиз томонидан олиб борилаётган эзгу ишлар кўлами янги, янада юксак босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг муҳими, бу борадаги серқирра фаолиятнинг самарадорлиги жорий йилда тубдан ошди.

Инсон қадри баланд юртнинг иқболи порлоқ

"КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ": РЕЖА ВА НАТИЖАЛАР

Жорий йилда "Кексаларни эъзозлаш йили" давлат дастури қабул қилиниб, жумладан, қуйидаги аниқ ҳуқуқий-ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўналишида яқин 5-6 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар аниқ манзилли режа асосида тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, Давлат дастури бўйича барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфлангани бу соҳадаги ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далолат бериб турибди. Хусусан, жорий йилда 2 миллион 750 минг нафар кексаларимизнинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилиб, уларга давлат бюджети ҳисобидан 12 триллион 888 миллиард сўм пенсия тўланган.

Учинчидан, бугунги кунда давлат томонидан ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилаётган пенсияларга ажратиладиган маблағнинг миқдори дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида ўртача ойликнинг 41 фоизидан зиёдини ташкил этади.

Муҳими шундаки, мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янгича шаклда изчил давом эттирилади. Чунки бизларни дунёга келтириб, вояга етказган ота-оналаримизнинг ҳурматини жойига қўйиш халқимизга хос азалий фазилат бўлса, ўзининг машаққатли меҳнати билан бугунги ёруғ кунларга катта ҳисса қўшган бобо ва бувиларимиз — кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

"ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР"

2015 йилда ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг ёрқин воқеалардан бири, ҳеч шубҳасиз, Президентмиз Ислом Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли китоби нашр этилгани ҳамда юртдошларимиз қўлига етиб боргани бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг янги асарида давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган. Унда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш ҳақида сўз боради.

(Давоми иккинчи бетда)

Осойишта мамлакатнинг байрамлари гўзал бўлади

Янги йил келишига оз фурсат қолди. Ҳамма Янги йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Буни шу кунлари мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган хорижлик сайёҳлар ҳам таъкидлашмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг таассуротлари билан қизиқди.

Жин Хо ПАН *(Жанубий Корея)*:

— Инсон ҳаётда бахтли яшаши учун энг муҳим ва асосий омил ҳаловат, хотиржамликдир. Ўзбекистон Президенти юритаётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатингиз ана шундай тинч, сайёҳлар учун энг хавфсиз давлатга айланган.

Бугун Ўзбекистонни бутун дунёда яхши билади. Эртаканамо шаҳарларингизни келиб кўришни, бағрикенг халқингиз тарихи, маданияти, урф-одатлари билан танишишни орзу қилувчилар кўп. Мамлакатингизда сайёҳлик инфратузилмаси ривожланаётгани, кўплаб замонавий меҳмонхоналар, кўнгилочар масканлар барпо этилаётгани бу интилишни амалга ошириш учун кенг имконият яратмоқда.

Мен ҳам ҳамма учун севимли байрам — Янги йилни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан хурсандман.

Арун ПРАКАШ *(Ҳиндистон)*:

— Ўзбек халқи жуда меҳмондўст, очиққўнгил ва бағрикенг. Шу боис Ўзбекистонда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қиляпман. Ўзбек ва ҳинд халқлари қадимдан дўстлик ришталари билан боғланган, маданиятимиз, урф-одат ва қадриятларимизнинг ўхшаш жиҳатлари кўп.

Мамлакатингизда Янги йил айёми арафасида болалар учун турли томошалар, байрам кечалари ўтказилиб, уларга Президент совғалари топширилишини эшитиб ғоят қувондим. Бу каби хайрли тадбирлар кичкинтойлар қалбини олам-олам қувончга тўлдириши шубҳасиз.

(Давоми учинчи бетда)

Qaror va ijro

Кексаларни эъзозлаш фазилати

ёш авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ёрқин намуна бўлмоқда

Мустақиллик йилларида юртимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан чуқур жой олди. Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида амалга ошириб келинаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, бугун сафимизда бўлган, ҳар қадамда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш — бундай эзгу ишлар барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз бўлиши шарт эканини таъкидлаш лозим.

Буларнинг барчаси бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, фахрийларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентмиз томонидан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Унга кўра, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 февралдаги қарори билан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури тасдиқлангани, дастурда халқимиз турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ўта муҳим ва таъсирчан амалий тадбирлар белгилаб берилганини қайд этиш зарур.

Кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масаласи долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Шу билан бирга, дастур ижросини кенг кўламда таъминлаш мақсадида ҳар бир вазирлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий ва тармоқ дастурлари, шунингдек, аниқ манзилли чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда.

Давлат дастури доирасида Адлия вазирлиги ва жойлардаги адлия идоралари зиммасига ҳам кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш билан боғлиқ муайян вазифалар юклатилган. Бу борада, жумладан, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Жонажон Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нафақат иқтисоди жадал ривожланаётган, балки тинч ва осуда, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётган, қонун устуворлиги таъминланаётган мамлакат сифатида халқаро миқёсда тан олинди.

Тинч ва фаровон юртга байрамлар ярашади

Бу борада АҚШда фаолият кўрсатаётган, Гэллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материалларида Ўзбекистон 141 мамлакат ичида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида қайд этиш ўринли.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда халқимизнинг бахтли ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит яратилган. Бу давлатимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан узоқни кўзлаб, инсон манфаатига йўғрилган туб ислоҳотлар ҳаётга жорий этилгани самарасидир. Энг муҳими, мамлакатимизда юртдошларимизнинг барча орзу-умидлари ижобатининг мустаҳкам пойдевори — тинчлик ва барқарорлик изчил таъминланмоқда.

Тинчлик аталган бебаҳо неъмат қадри элу юртнинг шодиёна кунларида яққол бўй кўрсатади. Бундай дориломон кунларнинг қадрига етиш, тинчликни кўз қорачиғидек асраш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш долзарб аҳамиятга молик. Бугунги таҳликали замонда доимо огоҳ ва сергак бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш энг муҳим вазифаларимиздан.

(Давоми тўртинчи бетда)

Burch va majburiyat

Солиқларни ўз вақтида тўлаш

миллий иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади

Мамлакатимизда изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнеса кенг йўл очиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар кўлами янада кенгайиб, бу борада янги ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Президентимиз томонидан тақдим этилган муҳим стратегик ҳужжат — Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалардан бири бу — хусусий мулк ҳимоясини мустаҳкамлаш, тадбиркорлар ўз мулкига ўзи эгалик қилиши кафолатларини кучайтиришдан иборат.

Хусусан, ҳар қайси мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулки дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини жорий этиш зарур. Бунда тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши муҳим аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда юртимизда бу йўналишда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида", "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Айни вақтда мазкур қонун ҳужжатлари мулкдорлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига алоҳида тўхталиш лозим. Фармондан кўзланган асосий мақсад — назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймасликдир. Шу маънода юртимизда 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланиши тартиби жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари 2005 йил 15 июнда давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, ер участкасига бўлган ҳуқуқ қачондан бошлаб вужудга келади?

Нуриддин ОДИЛОВ,
Сирдарё вилояти,
Янгиер тумани

— Амалдаги Ер кодексининг 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Амалдаги қонунларда ишончнома қанча муддатга берилиши қайд этилган?

Ҳамида ШЕРАЛИЕВА,
Тошкент шаҳри,
Бектемир тумани

— Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 139-моддасида ишончноманинг муддати белгилаб қўйилган. Унга асосан, ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

Фермер хўжалиги юритиш учун ажратилган ер участкасини гаровга қўйиш мумкинми?

Азиза ЖАМИЛОВА,
Фарғона вилояти,
Бувайда тумани

— Ер кодексининг 53-моддаси тўққизинчи қисмида қайд этилганидек, фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Бир танишим йўл қўйган хатоси учун суд тартибида оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Кейинчалик у қилмишларидан қаттиқ пушаймон бўлиб, ҳаётда тўғри йўлни топишга ҳаракат қилаяпти. Саволим шундан иборатки, унинг яна оналик ҳуқуқи тикланиши мумкинми?

Жамила ЖЎРАЕВА,
Тошкент вилояти,
Оҳангарон тумани

— Оила кодексининг 82-моддасига кўра, ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

Айрим сабабларга кўра, банк томонидан берилган омонат дафтарчаси яроқсиз ҳолга келиб қолди. Айтинг-чи, мен банкдан янги омонат дафтарчасини олишим мумкинми?

Матлуба СОЛИЕВА,
Хоразм вилояти,
Гурлан тумани

— Айтиш жоизки, фуқаро билан банк омонати шартномаси тузиш ҳамда унинг ҳисобварағига омонат бўйича пул маблағларини киритиб қўйиш омонат дафтарчаси билан тасдиқланади. Омонат дафтарчасида банкнинг ёки унинг тегишли филиалининг номи, унинг жойлашган манзили ҳамда омонат бўйича ҳисобварақ номери, шунингдек, ҳисобвараққа киритилган ҳамма пул маблағлари суммаси, ҳисобварақдан ўчирилган ҳамма пул маблағлари суммаси ва омонат дафтарчаси банкка тақдим этилган пайтда ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи кўрсатилган ва тасдиқланган бўлиши шарт.

Сизнинг саволингизга келсак, Фуқаролик кодексининг 769-моддаси еттинчи қисмига биноан, агар эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчаси йўқотилган бўлса ёки тақдим этиш учун яроқсиз ҳолга келган бўлса, банк омонатчининг аризасига мувофиқ, унга янги омонат дафтарчаси беради.

Саволларга Шайхонтоҳур тумани 2-сон Давлат нотариал идораси катта нотариуси Феруза ҲИДОЯТОВА жавоб берди.

Etirof

Инсон қадри баланд юртнинг иқболи порлоқ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг муҳими, китобда юртдошларимиз — аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулай шароит ҳамда имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани равнақ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, ҳозирги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Ҳозирги ва эртанги кунимизнинг устувор йўналишларини ўзида мужассам этган ушбу китоб айни вақтда энг янги тарихимизнинг ҳали биз тўла англаб етмаган кўплаб қирраларини кашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг равнақини белгилаб беришда, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

2015 йилда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, қатъий ҳамда изчил одимлаётган халқимиз ана шу буюк мақсадга эришиш борасида залворли қадамлар қўйгани қувонарлидир. Зотан, давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, Конституциямизда бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ҳам аслида барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланиши, яъни адолатнинг қарор топиши, демакдир. Асосий Қонунимизнинг 14-моддасида белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари қадимги дунё донишмандларининг "Нимаики қонуний бўлса, у — адолатлидир", деган ҳикматларига эътиборимизни қаратиб, бу билан ўша улуғ зотлар "айнан қонун адолат манбаи ва мезони эканини уқтирганлар," дея қайд этгани бежиз эмас. Бинобарин, бундан неча асрлар илгари яшаб ўтган Амир Темур ва Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби не-не улуғ аждодларимизнинг адолат тушунчасига ёндашувлари ҳам бугунги кунда амалга ошираётган туб ислоҳотларимизнинг мазмун-моҳиятига сингдирилган адолат, ватанпарварлик ва юксак инсонпарварлик эзгу тамойиллари билан том маънода уйғун ва ҳамоҳангдир.

Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичида миллий давлатчиликни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Халқ фаровонлиги йўлида кучли ҳуқуқий давлатдан адолатли фуқаролик жамияти сари илдам қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиёт барпо этилди.

Миллий иқтисодиётимиз ривожи ҳақида фикр юритганда, Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини алоҳида қайд этиш жоиз.

Айтиш керакки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат жорий йилдан бошлаб юртимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрнини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулкнинг, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил оширишга қаратилган ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

2015 йилда юртимизда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш изчил давом эттирилди.

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ташкилотлари билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик асосида юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга катта ҳисса қўшмоқда. Инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, жамиятда қонунга итоаткорлик ва адолат қарор топиши борасида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришда янги истиқболларни очиб берди. Концепция асосида жорий йилда қабул қилинган бир қатор қонунлар, жумладан, 2015 йил 1 январдан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун фаоллик ва ташаббускорлик, ижтимоий масъулият ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда давлат ва жамиятнинг мустаҳкам амалий ҳамкорлигини кучайтириш учун янги имкониятлар яратмоқда.

Мазкур қонуннинг 21-моддасида давлат ижтимоий буюртмаси давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир давлат топшириғидан иборат бўлиши белгиланган. Шу нормага асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2015 йилда давлат ижтимоий буюртмаси шаклида ижтимоий шериклик субъектларининг йигирмадан ортиқ лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Парламент комиссияси қарори билан жорий йилда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг демократик ўзгаришлар жараёнидаги фаоллигини янада ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадларига 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу борада давлат грантлари ажратиш ва ижтимоий буюртмалар бериш бўйича 7 та танлов эълон қилинди. Ушбу танловларда 1 минг 200 га яқин жамоат ташкилоти, медиа тузилмалар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қарийб 1 минг 400 та ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа билан иштирок этди.

2015 йилда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий нормалар амал қилишининг таъминланиши йўлида муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, 2015 йил 11 августда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштиришга, эркинлаштиришга ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш жазо чораси жорий этилгани диққатга сазовордир.

Шу йил 10 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун билан эса, Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қонун 2016 йил 1 январдан кучга киради. Демак, янги йилдан эътиборан фуқаролар фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, судлар эса, чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ва бошқа суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имкониятига эга бўлади.

Гап, ўз-ўзидан, яқинда қабул қилинган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун асосида "Оқ-олтин мадад техника" масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, унга ўзи раҳбарлик қила бошлайди. У ўз ташкилоти билан "Оқ-олтин мадад техника" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 6 турдаги эҳтиёт қисм ва бошқа қийматли товарларни етказиб бериш бўйича шартнома тузади.

Аммо кейинчалик А.Маҳмудов ўзининг чиркин манфаатидан келиб чиқиб, шартнома шартларини ўзгартиради. Яъни эҳтиёт қисм ва бошқа қийматли товарларнинг ҳақиқий баҳоси 76 006 000 сўм деб белгиланган ҳолда, у шартномадаги нархларни 91 494 000 сўмга ошириб, демакки, 167 500 000 сўм тарзида ёзади. Бу билан ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириб олади.

Шунингдек, А.Маҳмудов 2011 йилдан эътиборан "Наманган оромгоҳ текстил" масъулияти чекланган жамиятини ҳам бошқарган ва мазкур ташкилот раҳбари сифатида "Оқ-олтин мадад техника" масъулияти чекланган жамияти билан 5 турдаги эҳтиёт қисм ва бошқа қийматли товарларни етказиб бериш бўйича 2012 йил декабрда ва 2013 йил сентябрда ўзаро шартнома тузган.

Албатта, А.Маҳмудов шартномада кўрсатилган маҳсулотларни "Оқ-олтин мадад техника" масъулияти чекланган жамиятга етказиб берган. Лекин ҳақиқий баҳоси 153 706 700 сўм этиб белгиланган маҳсулотларни шартномада 248 568 000 сўмлик деб кўрсатган. Шу йўл билан ўша маҳсулотларни асл баҳосидан 94 729 000 сўм қимматга сотиб, бу гал ҳам ўзганинг катта миқдордаги мулкини ўзлаштириб юборади.

Бундан ташқари А.Маҳмудов иккала масъулияти чекланган жамиятни бошқарган даврида даромадларни яшириб, Солиқ кодексининг 32-36, 360-моддалари талабларини бузган. Аниқроқ айтганда, ҳисоботларда ягона солиқ тўловидан 52 706 700 сўм, жисмоний шахсларга даромад солиғидан 10 601 000 сўм камайтириб кўрсатган. Бунинг оқибатида жами 63 307 000 сўм солиқни тўлашдан бўйин товлаган.

Қолаверса, А.Маҳмудов "Наманган оромгоҳ текстил" масъулияти чекланган жамиятининг банк муассасасидаги ҳисоб-рақамлари орқали пул кўчириш йўли билан харид қилинган жами 741 240 300 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотган. Савдодан тушган маблағларни эса, касса апаратига кирим қилмаган, банкка ҳам топширмаган. Бу билан товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда катта миқдордаги қийматда бузган.

сидa"ги қонунга келиб тақалди. Аввало, ушбу ҳуқуқий ҳужжат электрон давлат хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш соҳасида навбатдаги муҳим қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Энг муҳими, янги қонун турли маъмурий тартиб-таомилларни янада енгиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий асос яратди.

Шу нуқтаи назардан, АҚШда фаолият кўрсатаётган "Гэллап институти" номли ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани ниҳоятда аҳамиятлидир. Юртбошимиз айтганидек, бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғурур ва ифтихор етказади.

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"нинг асосий мақсад-моҳияти — инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат бўлса, мустақилликнинг дастлабки даврида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ва жамият, инсон ва давлат муносабатларининг ишончли кафолатидир.

Мустақиллик йилларида Ватанимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги мустаҳкамланди. Фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароити яратиш давлат ва жамиятнинг бош мақсадига айланди. Юртимизда ижтимоий адолат тамойиллари тобора устувор аҳамият касб этмоқда.

Ана шу тарихий давримизда 2015 йил — "Кексаларни эъзозлаш йили" жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, шу билан бирга, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қадрлаш, умуман, инсон шаъни ва қадр-қимматига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга қаратилган оқилона сиёсат изчиллигини таъминлашда ҳар томонлама хайрли ҳамда баракали йил бўлди.

Президентимизнинг ташаббуси билан янги — 2016 йил юртимизда "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинишининг замирида инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги изчил ва қатъий сиёсат, шунингдек, адолатпарварлик ва инсонпарварлик тамойиллари мужассамдир. Шу маънода "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир фуқаронинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши тайин.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Burch va majburiyat

Солиқларни ўз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу асосда 2005 йил 1 июлдан микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этиш ўрнига йилнинг ҳар чорагида тақдим этиш тартиби ўрнатилди.

Маълумки, солиқ соҳасида қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш ҳамда давлатга етказилган зарарни тўлиқ ундириш, шунингдек, яширин иқтисодиётни бартараф этиш мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини белгиловчи вазифалардан саналади.

Албатта, бундай иллатларга қарши ҳуқуқий майдонда қонун йўли билан курашиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлар учун қулай шароит яратиш, кичик бизнес ривожи йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чеклашига йўл қўймаслик борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар судлар томонидан қатъий қўлланиб борилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Аммо, шунга қарамай, айрим тадбиркорлар ўзларининг тор моддий манфаатини кўзлаб солиқ ва бошқа тўловларни тўлашда ҳисоботларга сохта маълумотлар киритаётгани, солиқларни кам тўлаш ёки иложи борича солиқ тўлашдан бўйин товлаш йўлини тутаётгани афсусланарлидир.

Масалан, А.Маҳмудов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2013 йили Наманган шаҳрида "Замин Текстил Транс" масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, унга ўзи раҳбарлик қила бошлайди. У ўз ташкилоти билан "Оқ-олтин мадад техника" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 6 турдаги эҳтиёт қисм ва бошқа қийматли товарларни етказиб бериш бўйича шартнома тузади.

Аммо кейинчалик А.Маҳмудов ўзининг чиркин манфаатидан келиб чиқиб, шартнома шартларини ўзгартиради. Яъни эҳтиёт қисм ва бошқа қийматли товарларнинг ҳақиқий баҳоси 76 006 000 сўм деб белгиланган ҳолда, у шартномадаги нархларни 91 494 000 сўмга ошириб, демакки, 167 500 000 сўм тарзида ёзади. Бу билан ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириб олади.

Шунингдек, А.Маҳмудов 2011 йилдан эътиборан "Наманган оромгоҳ текстил" масъулияти чекланган жамиятини ҳам бошқарган ва мазкур ташкилот раҳбари сифатида "Оқ-олтин мадад техника" масъулияти чекланган жамияти билан 5 турдаги эҳтиёт қисм ва бошқа қийматли товарларни етказиб бериш бўйича 2012 йил декабрда ва 2013 йил сентябрда ўзаро шартнома тузган.

Албатта, А.Маҳмудов шартномада кўрсатилган маҳсулотларни "Оқ-олтин мадад техника" масъулияти чекланган жамиятга етказиб берган. Лекин ҳақиқий баҳоси 153 706 700 сўм этиб белгиланган маҳсулотларни шартномада 248 568 000 сўмлик деб кўрсатган. Шу йўл билан ўша маҳсулотларни асл баҳосидан 94 729 000 сўм қимматга сотиб, бу гал ҳам ўзганинг катта миқдордаги мулкини ўзлаштириб юборади.

Бундан ташқари А.Маҳмудов иккала масъулияти чекланган жамиятни бошқарган даврида даромадларни яшириб, Солиқ кодексининг 32-36, 360-моддалари талабларини бузган. Аниқроқ айтганда, ҳисоботларда ягона солиқ тўловидан 52 706 700 сўм, жисмоний шахсларга даромад солиғидан 10 601 000 сўм камайтириб кўрсатган. Бунинг оқибатида жами 63 307 000 сўм солиқни тўлашдан бўйин товлаган.

Қолаверса, А.Маҳмудов "Наманган оромгоҳ текстил" масъулияти чекланган жамиятининг банк муассасасидаги ҳисоб-рақамлари орқали пул кўчириш йўли билан харид қилинган жами 741 240 300 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотган. Савдодан тушган маблағларни эса, касса апаратига кирим қилмаган, банкка ҳам топширмаган. Бу билан товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда катта миқдордаги қийматда бузган.

Qaror va ijro

Кексаларни эъзозлаш фазилати

ёш авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ёрқин намуна бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дастурда 19 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва ҳукуматга киритиш белгиланган бўлиб, уларни ўз вақтида тайёрлашда вазирлик ходимлари фаол иштирок этди. Натижада бугунги кунда назарда тутилган аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши таъминланди.

Президентимизнинг кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни тубдан кучайтиришга қаратилган бир қатор фармон, қарор ва фармойишлари нуронийларимизга қўшимча рағбат, катта руҳий мадад бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кексаларни эъзозлаш йилида Хотира ва қадрлаш куни "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида нишонлангани бу умумхалқ байрамининг аҳамиятини янада оширди. Зотан, хотира — ўтганларни эслатиб туради, ўзликни англатади. Қадр — инсонни улуғлайди, жамиятни безайди. Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

Хусусан, 2015 йил 14 апрелда Президентимизнинг "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида ёши 100 га тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига жорий йилнинг 1 майидан бошлаб ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қўшимча пул тўлаб борилмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 19 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига кўра, жойларда фахрийларга ана шу эсдалик юбилей медали ва бир марталик пул мукофоти тантанали равишда топширилди. Бу тадбирлар доирасида таълим муассасаларида, маҳаллаларда ёши улуғ кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан мулоқотлар уюштирилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, Давлат дастури доирасида фахрийларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, шу йўналишга ихтисослаштирилган даволаш ва ижтимоий хизмат муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 апрелда қабул қилинган "Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига темир йўл транспортида бепул юриш ва ҳаво транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори бу йўналишда қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 июлда қабул қилинган "Кексаларни соғломлаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича нодавлат пансионати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида кексаларни соғломлаштириш, уларнинг дам олишларини ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан нуроний отахон ва онахонларимизнинг ҳаёт сифати янада яхшиланиши таъминланмоқда.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августда қабул қилинган "Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2016 йил 1 январдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш якка тартибда шакллантириладиган ижтимоий хизматлар дастури асосида амалга оширилади. Шунингдек, ушбу қарор билан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати тасдиқланди.

Давлат дастурида белгиланган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалардан ташқари, адлия идоралари томонидан дастурнинг мақсади ва вазифалари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тизимли ва кенг тарғиб этиш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, адлия идоралари томонидан тармоқ дастури ижроси юзасидан режалар тасдиқланиб, бугунги кунга қадар 916 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди. Мисол учун жорий йилнинг май ойида "Кексаларимиз хонадонларимизнинг файзи ва фариштасидир" мавзуида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилди.

Шу билан бирга, ФҲДЁ органларида "Ёш оила қурувчилар мактаби" машғулотларига катта ҳаётий тажрибага ва обрў-эътиборга эга бўлган кексалар иштирокида суҳбатлар ташкил этиб борилмоқда.

Бундан ташқари вазирлик ва ҳудудий адлия идораларининг расмий веб-сайтларида "Кексаларни эъзозлаш йили" номли алоҳида бўлим ташкил этилди. Унда адлия идоралари ва муассасалари ходимларининг Давлат дастурига оид элликдан ортиқ мақоласи жойлаштирилди.

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, уларга ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун алоҳида имтиёзларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати шакллантирилди ва "Lex.Uz" қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилди.

Шунингдек, ҳар бир нотариал идорада кекса ёшдаги шахсларга, яъни 60 ёш ва ундан юқори ёшдаги эркаклар, 55 ёш ва ундан юқори ёшдаги аёлларга бепул маслаҳат бериш бўйича қабул қилиш жадваллари тасдиқланди. Бу жадваллар мурожаатчиларга кўринарли ва қулай жойга жойлаштирилди. Шу асосда 1 минг 682 нафар кекса инсонларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Адлия идоралари томонидан пенсия ёшидаги фуқаролар раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик субъектлари базасини шакллантириш ва уларда ўтказиладиган мониторинг натижаси бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган даврда 702 нафар пенсия ёшидаги фуқаро ишлаётган тадбиркорлик субъектларида, шу жумладан, фермер хўжаликларида амалий ёрдам кўрсатилиши юзасидан мониторинглар ўтказилди.

Ана шу мониторинглар жараёнида 114 нафар тадбиркорнинг 17 нафарига шартномалар тузилиши ва бажарилишида, 12 нафарига электр, газ ва бошқа коммуникация тармоқларига уланишда, 5 нафарига кредит ажратишда, 2 нафарига солиққа оид қонун ҳужжатларини қўллашда, 1 нафарига ер ажратишда, 1 нафарига лицензия ва рухсатнома олишда, 76 нафарига бошқа масалалар юзасидан амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, амалга оширилаётган бу каби тизимли ишлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, унинг қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Бу борадаги барча ислоҳот ва янгиланишлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан изчил ва босқичма-босқич асосда алоҳида дастур орқали белгилаб берилаётгани уларнинг лозим даражада бажарилишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янгича шаклда изчил давом эттирилади. Чунки бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг машаққатли меҳнати билан бугунги ёруғ кунларга катта ҳисса қўшган кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қадрлаш — ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб, бу ўзбек халқига мансуб бетакрор фазилатларнинг яққол тасдиғи сифатида болаларимизни, ёшларимизни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ёрқин намуна бўлиши муқаррар.

Ҳақиқатан ҳам, тарихдан сабоқ чиқариб, миллий ўзликни англаган ҳолда, мужаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканимизни теран ҳис этиб яшаяпмиз. Бинобарин, бу ёруғ ва дориломон кунларда мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ҳамда осойишта замоннинг қадрига етиш, шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳиятимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига чорлайди.

Шерзод РАБИЕВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Осойишта мамлакатнинг байрамлари гўзал бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мартин НОЙМАНН *(Германия)*:

— Янги йилни чет элда кутиб олишни кўпдан орзу қилар эдим. Шу мақсадда турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан Ўзбекистонга келдик. Истироҳат боғларидаги турли аттракционлар, театр ва супермаркетлардаги байрам акциялари болаларимга жуда ёқмоқда.

Ўзбекистоннинг кўркам ва қадимий шаҳарлари жаҳон сайёҳларини ўзига чорламоқда. Юртингиздаги тарихий ёдгорликлар ва замонавий шаҳарларни томоша қилиш, халқингизнинг рангбаранг маданияти ва анъаналари билан танишиш, табиатингизнинг мафтункор ва сержило манзараларидан баҳра олиш кишига беқиёс завқ бағишлайди.

Янги йил ҳар бир оилага бахт ва омад, хотиржамлик ва фаровонлик олиб келишини тилайман.

Бернард БЛОМФИЛД *(Англия)*:

— Бундан тўрт йил олдин Янги йилни дўстларим билан бирга Ўзбекистонда кутиб олган эдик. Ўша байрам завқи ғоят ўзгача, унутилмас бўлганди. Ўтган вақт давомида бу диёрнинг самимий, дўстона муҳитини жуда қўмсадим ва 2016 йилни ҳам Ўзбекистонда кутиб олиш учун бу ерга оилам билан келдим. Мамлакатингизда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш учун катта тараддуд кўрилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Тошкентнинг ҳар бир қадамида Янги йил байрами шукуҳи ҳукм сурмоқда. Рангбаранг ўйинчоқлар билан безатилган арчалар, кўзни қамаштирувчи турфа чироқлар ва декорациялар Янги йил олдидан одамлар қалбига кўтаринкилик бахш этмоқда. Байрамни юксак савияда, тинч ва осойишта, ҳамжиҳатликда ўтказиш учун барча хавфсизлик чоралари кўрилгани бизни қувонтирмоқда.

Мориц КОЛЛЕР *(Австрия)*:

— Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман, эшитганман. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива каби қадим шаҳарларни ойнаи жаҳон ва интернет орқали томоша қилиб, бу ерга келишни ният қилган эдим. Ниятимга етганимдан жуда бахтиёрман. Юртингизнинг бунчалар машҳурлиги бежиз эмаслигига амин бўлдим.

Тошкентга келишим билан байрам шукуҳини ҳис этдим. Меҳмонхоналарда, супермаркет ва дўконларда, кўча ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқ ва ранг-баранг совғалар киши кўзини қувонтиради. Байрам кунлари чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқарли ва мароқли ўтишига ишонаман. Зотан, тинч ва осойишта мамлакатнинг байрамлари гўзал бўлади.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Huquqiy ma`rifat

Шартли ҳукм

у кимларга нисбатан ва қандай тартибда тайинланади?

Маълумки, жазо — жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақида шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.

Фазлиддин СУВОНҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар судининг раиси

Mezon

Асосли даъво

у судда ўз ечимини топди

Ҳаётда қонун талабларига риоя этиб фаолият юритган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Жумладан, қонунда белгиланган меъёрларга риоя этган ҳолда уй-жой қурган киши, ҳеч шубҳасиз, меҳнатининг самарасини кўради, янги уйда оиласи билан бемалол, эмин-эркин яшайди. Аммо ҳаётда ўзбошимчалик билан уй-жой қуришга уринадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Шу ўринда табиий савол туғилади, хўш, қонунда бундай ўзбошимчаликка нисбатан қандай чоралар белгиланган?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 212-моддасида қайд этилишича, белгиланган тартибдаги қурилиш меъёрларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бино, иншоот, шунингдек, бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган деб топилган.

Масалан, Яккабоғ туманида яшовчи Ҳусниддин Алимовнинг қонунга беписандлик билан қараб, асосиз ҳужжатларни рўкач қилгани охир-оқибат ўзига зарар бўлди.

Гап шундаки, у тумандаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ҳудуддаги 151.0 кв.метр майдонни худди "отамерос томорқа"сидай, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу жойга қўшимча биноларни пойдевори ҳамда тўсиқ деворлардан иборат қурилишларни қурган ҳолда, ундан узоқ йиллар томорқа сифатида фойдаланиб келган.

Маҳалла-кўй, кўни-кўшни ҳамда мутасадди идораларнинг Ҳ.Алимовнинг бу ноқонуний ишдан норози бўлиб, уни инсофга чақириш учун қилган барча уринишлари бесамар кетди.

(Давоми тўртинчи бетда)

вақтида тўлаш

миллий иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади

Бунинг устига А.Маҳмудов ўзининг юқоридаги жиноятларини яшириш мақсадида "Замин Текстил Транс" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тергов идораларига тақдим этмаслик мақсадида қасддан нобуд қилган. У нафақат ҳужжатларни нобуд қилиш, балки улардан қалбакилаштириб фойдаланиш борасида ҳам уддабурон бўлиб чиқди.

Яъни А.Маҳмудов Наманган вилояти хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган "Озод текстил" масъулияти чекланган жамиятига тегишли муҳр ва штампдан 2012-2014 йиллар мобайнида фойдаланган ҳолда шартномалар тузган. Ана шу шартномаларга жамият раҳбари сифатида имзо қўйган ва ҳужжатларнинг қалбаки эканини била туриб, улардан фойдаланиб келган.

Шу тариқа А.Маҳмудов ўзининг юқоридаги қилмишлари билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 184-моддаси 3-қисми, 167-моддаси 3-қисми, 227-моддаси 1-қисми, 188-моддаси 3-қисми "а" банди, 228-моддаси 2-қисми "а" банди ва 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган. Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди томонидан ушбу жиноят иши атрофлича ўрганиб чиқилиб, А.Маҳмудовга нисбатан тегишли тартибда жазо тайинланди.

Кези келганда, яна бир долзарб масала юзасидан фикр-мулоҳаза юритсак. Маълумки, жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, маҳаллий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштириш, шаҳар ва туманларни иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Умуман олганда, кейинги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, мулкдорлар синфининг шаклланишига, хусусий мулк ҳимояси ва дахлсизлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакки, солиқ ставкалари ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Жумладан, 2015 йил 3 декабрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқладилар. Шу билан бирга, "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун маъқулланди.

Келгуси йилда аҳоли даромадлари зиммасига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида солиқ солишнинг иккинчи поғонаси бўйича жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкасини 8,5 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда. Бу эса, аҳоли даромадларини 235 миллиард сўмга кўпайтириш имконини беради.

Ўз навбатида, 2016 йилда хизматлар соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилиши, 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурида назарда тутилганидек, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,5 фоиздан 55,5 фоизга кўпайиши учун имконият яратади.

Бир сўз билан айтганда, жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолиятини давом эттирар экан, даромад, мол-мулк ва ер солиқларини тўлашни унутмасликлари керак. Бу — барчамизнинг қонуний ва фуқаролик бурчимиз. Бу масъулиятдан бўйин товлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Энг муҳими, солиқлардан тушадиган маблағлар маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, аҳоли манфаатларини таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилишини унутмайлик.

Қобилжон ХОЛБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Чуст тумани судининг раиси
Икромжон Орифжонов,
"Куч — адолатда" мухбири

Hikmat

Донолар дейдиларки

Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳннинг ортиши.

* * *

Меҳнатни севмаган одам турли ёмонликларни қилишга тайёрдир.

* * *

Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманд-дир, негаки, бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради.

* * *

Бир-биридан норози бўлган икки кишини келиштириш учунгина айтилган ёлғон сўз улар орасига совуқлик тушириш учун айтилган рост сўздан кўра хайрлидир.

* * *

Инсонга ҳаракатчанлик ва интилиш йўлдош бўлмас экан, қобилиятнинг бир ўзи ҳеч нарса келтирмайди.

* * *

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки касб-ҳунарсиз киши камбағалдир.

* * *

Ўз фарзандингни яхши хулқ—одобли ва ақлли бўлишга ўргат.

Кимки ёшликдан яхши хулқ-одоб эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилиб бўлмайди.

Тинч ва фаровон юртга байрамлар ярашади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу йўналишда мамлакатимизда тегишли ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Янги йил байрами кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш борасида мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Турғунов. — Ушбу йўналишда туманлар, маҳаллалар ва корхоналарда ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Бундай профилактика ишлари мунтазамлик касб этгани туфайли одамлар онгида фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғуси янада мустаҳкамланаётир.

Ички ишлар идоралари тизимида байрам кунлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқда. Бунда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Нохуш ҳолатлар юзага келишига йўл қўймаслик, хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус рейдлар ўтказилаётир. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлар фаол иштирок этмоқда. Тадбирлар давомида аниқланаётган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир.

"Тозалаш" тадбири давомида етти миллионга яқин объект кўздан кечирилди. Натижада 191 мингдан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланди. Жиноят содир этиб қидирувда юрган шахслар ушланди.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид фаолияти янада кучайтирилди. Ушбу хизмат нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби вазифаларни самарали адо этмоқда. Улар маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, вояга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка, спортга кенг жалб этиш ишларини изчил йўлга қўймоқда. Бу маҳаллалар муҳитининг тобора соғломлашишига хизмат қилаётир. 2015 йилнинг ўтган даврида 2,3 мингга яқин маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг тасдиғидир.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осойишталикнинг муҳим омилларидан. Шу боис аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари янада кучайтирилди. Соҳа ходимлари аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги "Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2015 йил 20 ноябрдан 20 декабрга қадар ўтказилган ойлик доирасидаги профилактик тадбирлар жараёнида 594 мингга яқин ёнғин хавфсизлигига оид камчилик аниқланиб, уларнинг аксарияти бартараф этилди.

Амалга оширилган тадбирлар ва кўрилаётган чоралар ўз самарасини бериб, ёнғинлар содир бўлиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49 фоизга камайишига эришилди.

Фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаётини асрашдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада соҳада тизимли ишлар олиб борилмоқда, йўл-патруль хизмати масканларида автотранспорт воситалари қатъий текширувдан ўтказилаётир. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун барча жамоат транспортлари техник кўрикдан ўтказилди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган майдонлар атрофидаги йўллар ва йўл белгилари кўздан кечирилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда.

Йўл ҳаракати қоидалари такомиллаштирилгани, қоидабузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилгани йўлтранспорт ҳодисаларининг камайишига замин яратмоқда. Соҳага замонавий ахборот технологиялари жорий этилаётгани транспорт оқимини кузатиш, уларни тартибга солиш, қоидабузарликларни тезкор аниқлаш имконини бермоқда.

Янги йил арафасида ва байрам кунлари мамлакатимизга пиротехника воситалари кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда жамоат хавфсизлиги, осойишталик таъминланмоқда. Шунга қарамай, тинч, осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Буни доимо ёдда тутиш, яқинлашиб келаётган Янги йил байрами кўнгилдагидек ўтиши учун ҳисса қўшишга барчамиз масъул эканимизни унутмайлик.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

G'aroyib olam

Табиатда ҳид сезиш қобилияти бўриникига тенг келадиган жонзот кам топилади. Чунки бўрининг ҳид билиш қобилияти ўта ривожлангани туфайли 1,5 километр радиусдаги ҳар қандай нарса ёки одамнинг исини осон сезади.

Биз билган ва билмаган дунё

БЎРИЛАРНИНГ ҒАРОЙИБ ДУНЁСИ

Бундан ташқари бўрининг кундузи кўзи ўткир саналмайди, бироқ кечаси жуда ўткирлашади. Ҳар бир бўрининг ўз товуш тембрлари, улиш усуллари мавжудки, тўдасидагилар бу орқали уни тез пайқайди.

Бир пайтлар Европа, Осиё ва Америкада бўрига нисбатан шафқатсиз уюштирилган овлар оқибатида бош сони жуда камайиб кетган эди, бироқ кўрилган чора-тадбирлардан сўнг бўрилар тағин кўпайишни бошлади. Бўри ов қиладиган ўтхўр ҳайвонлар кийик, оҳу ҳисобланиб, айрим ҳоллардагина эчки, қўй, сигир каби уй ҳайвонларига ҳам ҳужум қилади. Ўзига етарли озуқа илинжида бўрилар тўдаси 2500 километр масофани эринмай айланиб чиқади. Одатда, бўри тўда бўлиб овга чиқади. Ёзда деярли тунда ов қилади, қишда эса, фарқи йўқ — кечасию кундузи юраверади. Ўлжани ўзаро тенг бўлишади, ортганини чуқур ковлаб кўмиб қўйишади. Ўз анъанасига мувофиқ, у ожиз ёки касал, баъзан жуда оч қолганида соғлом ҳайвонга ташланади.

Ов пайтида тўдабоши ҳисобланмиш она бўри шунақа айёрлик ва шумликлар ўйлаб топадики, пистирма ёхуд кўзга чалинмас хандақлар қуришда бир-бирига қондош тўда аъзолари баравар иштирок этишади.

Бўри тўдаси ниҳоятда интизомли тартибда уюштирилган. Тўда, одатда, 8-20 бош бўридан ташкил топади, тўдадаги аъзолар сони эгаллаб олинган ҳудуднинг катталигига қараб белгиланади. Катта ўлжага дуч келишганда, қоидага кўра, эркак, она бўри ва унинг болалари ҳужум қилишади. Ёш бўрилар катталарни ҳурмат қилишади, ўз навбатида, катталар уларни ов қилишга ўргатишади. Камдан-кам вазиятлардагина ўзаро жанжал чиқади.

Бўри оиласи жуда мустаҳкам ва улар бир-бирига ўта меҳрибон бўлишади. Она ва ота бўри умрбод бирга яшайди. Болаларига ҳам садоқат билан тарбия беришади. Боласи бир ёшга тўлганда алоҳида яшашга рухсат берилади. Бола тарбиясида ота ва она бўри бирдай иштирок этади. Вояга етганга қадар ота-она бағридан кетмайди. Одатда, бўрибаччаларнинг битта ёки иккитаси ота-онаси билан узоқ яшаб қолади. Она бўри овдан чалажон каламуш келтириб ташлайди, гўё "ана, болалар, ов қилишни ўрганинглар!" деб кўрсатма бергандек бўлади. Бўри боласи кичкиналигида каламуш, сичқон, қуш ва баъзан мевалар билан ҳам озиқланади. Куз келганда улар ота-оналарига эргашиб, овга чиқишади. Бўри одатига кўра, ўз уяси атрофида ов қилмайди. Ота-она бўрилар ўзлари белгилаб олган ҳудуддан камида 7-10 километр олисда ов уюштирадилар. Куз охирларида оила биргаликда ўз уйини ташлаб, узоқроқ масофага кўчади.

Бўрилар бир-бири билан товуш ҳамда ҳаракат воситасида мулоқот қилишади. Товуш орқали хавф-хатар, чақириқ, ўлжа ҳақида маълумот беради ва олади. Бўрининг улиши — унинг гуруҳ ичидаги ёки қўшнилар билан муносабатини ифодалайди. Хавф-хатар туғилганда тўдабоши ғоз туриб, боши ва думини кўтариб, жунини ҳурпайтирганча қаттиқ улийди. Душман яқинлашганини сезган гуруҳ аъзолари эҳтиёт чораларини излай бошлашади.

Бўрининг бир талай хиллари бор. Қизил бўри кейинги юз йилликда Узоқ Шарқ, Байкалорти, Тува ва Бурятияда сақланиб қолган. У кулранг бўридан катталиги ҳамда рангига кўра ажралиб туради. Яна у бошқа бўрилар сингари улимайди. Қўрққан итларники каби ғалати, ғингшиган товуш чиқаради. Ўрмонли тоғларда яшайди.

Ёлдор бўри итсимонларнинг энг йиригидир. Кўриниши узун оёқли тулкини эслатади. Бошқаларидан фарқи, у якка ов қилади. Оёқларининг узунлиги унинг чопқирлиги белгиси эмас, белбўйи пичанзорда ўлжа ортидан қувишини осонлаштиради, холос. Қуш, қуён, майда кемирувчилар билан озиқланади. Афсуски, табиатда ёлдор бўрилар сони камайиб кетган.

Чўл бўриси майда нарсалар билан озиқланади. Узун ва юпқа тили билан ҳашарот тутади, қушлар тухуми ва гоҳида майда кемирувчиларни ўлжа қилади.

Боласи ухлаётганда то уйғонгунча ота бўри унинг атрофида қўриқлаб ўтиради. Боласи худди кучукбаччалар сингари ёқимли қилиқлар қилади, ота-онаси билан ҳазиллашиб ўйнайди.

Бўри тирикчилик кўйида тинимсиз ҳаракат қилишга, машаққат чекишга мажбур. Кийик, олқор, қўй ёки эчки тутса, бир неча чақиримга судраб ёки елкасига ортмоқлаб кета олади. Ов заруратн туғилса, бир кечада 80 километргача йўл босади.

Интернет материаллари асосида Оловиддин Собир ўғли тайёрлади.

Mezon

Асосли даъво

у судда ўз ечимини топди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шундан сўнг Яккабоғ тумани ҳокимлиги Ҳ.Алимовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун судга даъво аризаси киритди.

Суд томонларнинг тушунтиришларини тинглаб ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам, мазкур ер майдонида Ҳ.Алимов томонидан қурилган қурилишлар учун зарур рухсатнома олинмаган, шунингдек, архитектура ва қурилиш қоидаларига мутлақо амал қилинмаган, деган хулосага келди.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 212-моддасида: "Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим", деб қайд этилган.

Суд даъво талабларидан келиб чиқиб, Ҳ.Алимов томонидан "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 151.0 кв.метр ер майдонида ноқонуний тарзда қурилган қурилишларни жавобгар ҳисобидан бузиб ташлаш ҳамда ерни тартибга келтириш хусусида ҳал қилув қарори чиқарди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракатнинг оқибати шундай якун топади.

Зеро, Асосий қонунимизнинг 20-моддасида белгиланганидек, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда, бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Баҳодир АЗИЗОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманлараро судининг раиси.
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Ҳаётда ўйланмасдан ташланган қадам кутилмаган нохўшликка сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, беписандлик, манманликка берилишдан ҳеч ким барака топмаган. Қуйида тафсилоти келтирилган воқеа баъзи бир ўйламай қадам босувчи кимсаларга сабоқ бўлса, ажабмас.

Jinoyatga jazo muqarrar

Масъулиятни унутган ҳайдовчи

нафақат ўзининг, балки ўзгаларнинг ҳам ҳаётини хавф остида қолдиради

Денов туманидаги "Тасмасой" маҳалласида яшовчи Ўрол Ҳамидов 1992 йилда туғилган, бироқ у бирон-бир касбнинг этагини тутишни, ҳалол меҳнат билан кун кечиришни хаёлига келтирмади. У жорий йил май ойида маҳалладоши Чори Бойқобиловнинг "ВАЗ 2106" русумли автомашинасига харидор бўлди. Аммо у келишилган пулни тўлиқ бермаганлиги туфайли Чори Бойқобилов автомашинани унинг номига расмийлаштирмади. Бунинг устига у Ўролнинг "машинани ҳайдамайман, уйимга олиб бориб қўяман" деганига қарамай, ишончнома ҳам бермади. Аммо "тойчоқ"нинг жиловини тутган Ўрол ваъдасида турмади. Бу ҳам етмагандек, у машина бошқариш қоидаларини яхши билмасди. "Кўза кунда эмас, кунида синади" деганларидек, у 2015 йил 23 май куни автоуловга ёқилғи қуйдириб уйига қайтаётганда, Денов тумани "Чим" маҳалласи ҳудудида икки нафар аёл қўл кўтаришади. Улар "Ҳазорбоғ" маҳалласига боришларини айтиб, машинага ўтиришади. Қисқаси, Ў.Ҳамидов аёллар айтган манзил томон йўл олади. "Денов-Олтинсой" туманлари йўналишидаги "4Р-100" автомобиль йўлининг 169 километрига етганида, "Нексия" русумли автомашина уни қувиб ўтади. Бундан гўёки ғаши келган Ў.Ҳамидов машина салонидаги икки йўловчини ҳам унутиб, тезликни оширади. Қисқаси, улар кимўзарга бир-бирини қувиб ўтишга тушишади. Ў.Ҳамидов ўзининг бу ҳаракати билан амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг бир қатор меъёрларини қўпол равишда бузади. Аммо бундан ҳам ёмони кейин содир бўлади. Яъни Ў.Ҳамидов тезликни ҳаддан зиёд ошириб юборгани оқибатида машинани бошқара олмай қолади. Натижада катта тезликда кетаётган машина йўл четидаги дарахтга зарб билан бориб урилади. Бунинг оқибатида машина салонидаги аёллар оғир тан жароҳат олишади. Ў.Ҳамидов уларни йўловчи машинада туман тиббиёт бирлашмасига юборади. Шу куни оғир жароҳат олган Хадича Қўшшаева шифохонада вафот этади. Унинг шериги Бахтигул Олтибоева эса, шифохонада ётиб даволанади. Бироқ Ў.Ҳамидов одамгарчилик, меҳр-оқибат каби фазилатларни ҳам унутиб қўяди. У лоақал бир марта шифохонага бориб, Б.Олтибоевадан ҳолаҳвол сўрамайди, унинг даволаниши учун ёрдам кўрсатмайди.

Лекин у қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришдан бўйин товлай олмади. Яъни суд Ў.Ҳамидовни Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топди ва тегишли жазо тайинлади.

Албатта, Ў.Ҳамидов қилмишига яраша жазо олди. Бироқ унинг узоқни кўра олмай иш тутиши, амалдаги қоидаларга беписандлик билан қараши бир кишининг умрига бевақт зомин бўлди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: автомашинани бошқараётган ҳар бир ҳайдовчи нафақат ўзининг, балки ўзгаларнинг ҳаётига масъул эканини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Зуфар НАРЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Кодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1222. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6553.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰